ХИТОЙЧА ЎЗЛАШМАЛАР ВА КОНЦЕПТУАЛ ОРАЛИҚ БОСҚИЧЛАР

Комилова Моҳитабон Рамиш қизи
Фарғона давлат университети таянч докторанти

Когнитив тилшунослик инсон тафаккури билан тилнинг муносабатини ўрганади. Яна ҳам тўғрироғи инсон тафаккурида жонланган воқеа-ҳодисаларнинг тилда акс этиши йўлларини ўрганади [Асадова, 2022:6]. Когнитив тилшуносликда концептнинг юзага келиши ва лисоний воқеланишга тайёргарлик жараёни (концептуал босқич)да бир қатор концептуал тизим бирликлари (сценарий, скрепт, фрейм, гушалт) иштирок этади.

Мазкур оралиқ босқич тушунчаларидан айримларини хитойча ўзлашмалар асосида таҳлилга тортдик:

Сценарий бирор бир типик ҳодисага хос ўзаро боғлиқ фактларнинг уларнинг узвийлигини акс эттирувчи намунавий шакл мисолида ёритилиши [Сафаров, 2006: 35].

Ҳар бир сценарийни қуйидаги семантик роллар ташкил қилади: actor (актёр – ҳаракат субъекти), recipient (реципиент–ҳаракатни қабул қилувчи), instrument (инструмент – восита – ҳаракат қуроли), objekt (объект – ҳаракат объекти), reason (сабаб), aim (мақсад), place (макон), time (замон) кабилар.

Ҳудди шу ролларни манти концепти асосида сценарийлаштирамиз:

actor (актёр) – мантипаз (уй бекалари, ошпазлар);

recipient (реципиент) – хўранда;

instrument (инструмент) – мантиқасқон;

objekt (объект) – манти;

reason (сабаб) – очлик, ҳоҳиш, иштаҳа;

aim (мақсад) – тўйиш;

place (макон) – ошхона, тамаддихона;

time (замон) – тушлик, кечки овқат.

Энди мазкур ролларга сценарийни тақсимлаймиз.

Сценарий: Манти

1- саҳна: она(хўранда) манти егиси келиб қизини(мантипаз) чақирди.

Қизидан тушлик учун манти пишириб беришини илтимос қилди.

2- саҳна: Қиз манти учун хамир қорди.

Қийма тайёрлади.

Мантиларни тугиб мантиқасқонга жойлади ва газ печига қўйди.

3- саҳна: Мантини сузиш.

Оила аъзоларини тушликка таклиф қилиш.

Тадқиқотларда айтилганидек, когнитив структураларнинг барчаси, катта ёки кичиклигидан қатъий назар, хотирада жамланган ахборотни мақсадли намоён қилиш вазифасини ўтайди [Сафаров, 2006: 35].

Скрипт намунавий концептуал тузилмаларнинг бир тури сифатида қаралиб, у инсон тафаккурида акс этаётган борликдаги воқеаларнинг меъёрий кетма-кетлиги намунасидир. Скрипт бевосита, маълум лексик бирлик воситасида инсон онгида уйғотиладиган семантик

ахборот тўпламидан ҳосил бўлади [Сафаров, 2006: 38]. Скрипт тушунчаси сценарийга ўхшаб кетиши таъкидланади. Лекин, скриптда хронологик кетма-кетлик талаб қилинмайди. Масалан, доктор скрипти қуйидагича таҳлил қилинган:

Субъект (+шахс) (+катта ёшда)

Фаолият: тиббиётни ўрганиш;

Беморларни қабул қилиш: беморлар келишади;

Доктор бемор шикоятларини эшитади.

Доктор беморларни кўрикдан ўтказади ва ҳоказо.

Макон: тиббиёт институти

Касалхона ёки хусусий қабулхона

Замон: ҳар куни, кўп йиллар давомида

Демак, скрипт инсонлар онгида нарса-ҳодисага нисбатан мавжуд тушунчалар кетма-кетлигини ўзида акс эттиради.

Қуйида **шийпон** скриптини кўриб чиқамиз:

Объект (+ жой оти) (+тўрт томони айвонли уй)

Фаолияти: дам олинадиган жой

Деҳқонларнинг ишдан танаффус олиб, тушлик қиладиган жойи

Макон: далалар

Замон: эрта баҳордан кеч кузга қадар; ҳар йили

Фрейм когнитив тилшуносликда воқеа-ҳодисаларни қайта ишлаб қисқа шаклда ифода этиш учун ёрдам берадиган жараён [Асадова, 2022]. Ш.Сафаров тадқиқотида фрейм учун қуйидаги мисол берилади: маълум даврда “хабар етказиш” мазмунидаги ҳодиса негизида “бирор нарса воситасида (кимгадир) “хабар етказиш” фрейми турган. Кейинчалик, “миш-миш тарқатиш, овоза қилиш” фрейми олдинги фрейм андозасига мослашган ҳамда ушбу мослашув жараёнида “ноғора урмоқ” иккиламчи концепти ва лисоний бирликлари юзага келган [Сафаров, 2006: 47].

Бизнингча фрейм оралиқ босқичдан лисонга кўчар экан, у асосида кўплаб метафорик иборалар ҳосил бўлади. Хусусан, меҳмонга чақирмоқни юқоридаги мисол қолипига солсак: дастлаб меҳмон келганда чой дамланган, сўнгра бошқа илтифотлар кўрсатилган. Кейинчалик чойга чақириш меҳмонга чақириш билан бир маънода қўллана бошланган. Натижада, чойга чақириш иккиламчи концепти юзага келган.

Хулоса қилиб айтганда, тафаккурнинг оралиқ босқичлар тилда янги лексикаларни ясашда, турли метафорик ифодалар ҳосил қилишда муҳим жараёнлардан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.
2. https://cyberleninka.ru/article/n/turkchada-bari-so-zi-bilan-bog-liq-diplomatik-terminlarning-kognitiv-tahlili/viewer.